Пухта уйлаб курмаслик, фикран планлаштиришга эътибор бермаслик болаларга хос булиб, шошма-щошарликка, бутун ишнинг бузилишига олиб келади. Шунинг учун хам укувчиларни уз ишларини планлаштиришга, уз иш-харакатларини уйлаб куришга доимо ургатиб бориш керак.

Максад куйиш ва планлаштиришнинг узи канчалик мухим булмасин, лекин улар факат тайергарлик бугиндир. Иродавий иш-харакатда амалга ошириш хал килувчи роль уйнайди. Мана шунинг учун хам максадини ва планини амалга ошира биладиган одамдарни иродали кишилар дейилади.

Тайергарлик боскичида иш одамнинг тусикларига карши курашсиз утмайди. Лекин бухол иродани купинча катта синовларга дуч келтирмайдиган ички курашдир. Одам максадни амалга ошираетиб кийинчалик ва тусикларга дуч келганда, иш тубдан узгаради. Бу кийинчилик ва тусиклар билан тукнашганда баъзи бир кишилар бу курашдан воз кечадилар, баъзилар эса бошка, бирмунча енгил ишга утиб оладилар ва факат иродали одамларгина ишни максадга мувофик амалга ошириш учун бу тусикларга карши курашадилар.

Ижро айни бир вактнинг узида иш-харакатни практик суратда амалга ошириш хамда уни куйилган максадга мувофик эканлигини текшириш хамдир. Одам хосил килинган натижани максад тугрисида илгари таркиб топган тасаввур билан таккослайди ва натижада максаднинг, уй-фикрнинг талабига тула жавоб берсин учун, уни амалий суратда такомилигига етиштиради.

Ижро процессида купинча факат иш-харакат планинига узгариб колмай, балки дастлабки максад хам узгаради. Ижронинг бу тузатувчанлик таъсири остида иродавий процессда аксий алока ифодаланади.

Ижро икки форма: 1. Куйилган максадга мувофик суратда тащки дунеда кандайдир сези лари узгариш ясовчи харакат билан жузъий ищ-амал, мажмун воситаси билан амалга оширилади: 2. Кераксиз харакат ва иш -амални тухтатиб туриш, бошкача айтганда, щахс максадларига тугри келмайдиган хамма импульсларни тормозлаштириш йули билан амалга оширилади. Унинг

иродаси фаол хъаракатида ифодаланади. Лекин худди шу укувчи врач унинг кулида жарохатни ераетганда кимирламай туриб колди, унинг иродаси номатлуб харакатни тухтатишда ифодаланади.

Ижронинг бу формалари бир-бири билан богланган ва бир хилда усишга мухтождир.

Шундай килиб, одам идролсининг мезони ижро, практикадир. Лекин шуни эсдан чикармаслик керакки, шахснинг иродавий сифатларини факат иш-харакатларнинг мавжуига карабгина хатосиз бахолаш мумкин, чунки одамнинг хатти-харакатида ижро формаси мотивлар мохиятига мос келмай коладиган холлар куп учрайди ( масалан, салбий мотивларни юзаки ижобий ищ-харакатлар билан хаспушлаш).

Дадилмас одам хам маълум шароитларда дадил харакат килиши мумкин, лекин курсатган бу дадиллик хали у одамнинг хусусияти булмайди. Факат такрор-такрор иродавий иш-амал ва хатти-харакатлар килиш процессида ва ижтимоий тарбия шароитидагина шахсда маълум иродавий хусусиятлар таркиб топади.

Шахснинг иродавий хислатлари ( сифати, хусусияти) максадини амалга оширишда учраган тусикларни енгиш борасида одамнинг тажрибада хосмл килган узига хос усулларидан иборатдир. Шахснинг иродаси, туб маъноси билан айтганда хар хил иродавий хатти-харакатлар ва хусусиятлар мажмуидир.

Харакатнинг максадга каратилганлиги одамнинг бош, етакчи иродавий хусусиятидир. Бу хусусият шахснинг идеаллари ва эътикодлари билан бевосита богланган булиб, одамнинг бошка иродавий хатти-харакатларининг нимага каратилганлигини ва тараккиет даражасини белгилайди.

Шахснинг бошка энг мухим иродавий хусусиятларини санаб утамиз. Ташаббус уз хохиши билан амал кила ва хатти-харакат курсата билиш: катъятлик иккиланмасдан, хар томонлама уйлаб карорлар кабул кила олиш ва уларни изчил суратда амалга ошира билиши: саботлилик - кийинчиликларига карши курашда гайратни бушаштирмасдан максад оркасидан доим ва узок вакт кува билиш: саботлилик - кабул килинган карорни амалга оширишга халакит берувчи иш-харакат, хис ва фикрларни тухтата билиш: йигноклик -уз иш-амаллари ва хатти-харакатларини планлаштира олиш, ижро этишда планга амал кила билиш: дадиллик-куркишга карши тура олиш ва куйилган максад йулида уринли таваккалга бора бимлиш: ишчанлик - кийинчиликка карамай, тшни охирига етказа билищ.

Шахснинг иродасизлик еки буш иродалиликдан иборат хусусиятлари хам хилма-хилдир. Булар принципсизлик, ташаббуссизлик, енгилтаклик, журъатсизлик, шошма-шошарлик ва бошкаларидир. Булар ироданинг ижобий иродага мутлако зид хусусиятларидандир.

Иродавий хусусиятларини маънавий жихатдан бахорлаш шахснинг максад кузлащининг мазмунига богликдир. Илгор кишиларининг ташаббускорлиги, катъиятлилиги, саботлилиги уларнинг ижобий фазилатларидир. Бу фазилатлар юксак омилга оширишга каратилгандир.

Одам иродавий хусусиятлар хакида тугри тасаввурга эга булиши ва узида салбий иродага курашиб, ижобий ирода устиришга интилиши жуда мухимдир. Шуни айтиш керакки, бизнинг текширишларимиз 30 процентга якин усмир ва юкори синф укувчисинин ижобий хусусиятларни салбий хусусиятлардан фарклай олмаслигини курсатади, улар катъиятликни кайсарлик билан, саботлиликни одамга кушилмаслик билан, дадилликни олатасирлик билан алмаштириб юборадилар.

Шундай килиб, одамда иродавий хусусиятларини устиришнинг энг мухим шарти иродавий хатти-харакатларини машк килишдир, бу ишда укувчилар тарбиячи ва коллектив томонидан хам доим рагбатлантириб турилиши керак.

Бола тайер ирода билан тугилмайди. Ирода хает процессида анча секин таркиб топиьб боради. Мактабгача тарбия ешидаги даврда бола иродасини устиришда иола ва якин атрофдаги социал мухит гоят катта роль уйнайди. Бола хаетда купрок унинг узи ташаббуси билан ующтирадиган уйин харакатлари асосий урин олади.

Болалар мактабда укий бошлашлари билан уларнинг фаолияти, харктери узгаради. Укиш, асосан, укитувчи томонидан берилган ва бажарилишига кейин бахо куйиладиган топширикларга доир фаолиятдир. Синф ва уй вазифаларини индивидуал бажаришлари процессида укувчиларда уз-узини назорат килиш, уюшкоклик, мустакиллик ва бошка иродавий хислатлар ривож топади. Укитиш шароитида укишга кизикиш хатти-харакатнинг мухим моитиви таркиб топади.

Укитувчилар укувчиларининг барча иродавий фаолиятларида кизикишни доимо ошириб боришга харакат киладилар.

Укиш процессида укувчиларда бурч мотивлари усади ва дифференциялашади. Укувчини укитувчи ва ота-она олдидаги бурчигина эмас, балки синф коллективи, давлат муассасаси булган бутун мактаб олдидаги бурчи хам харакат килишга, ишлашга ундайди.

Тажириба шуни курсатаетирки, бу назоратда синф, коллективи катта ердам бериши мумкин. Коллектив ердамида укитувчи хар бир укувчи идорасининг усишидаги асосий тенденцияларини анча осон кура олади, ижобий тарбиялашнинг воситаларини кидириб топади.

Тарбия иши тугри олиб борилганда усмир саккиз йиллик мактабни тамомлаш олдида узини у ек-бу екка уришни тухтатади ва идросининг усиши, шахснинг жамиятнинг тула хукукли аъзоси булиб колиши процесси билан боглик янги даврга киради.

Илк ешлик даври психик жихатдан-характер ва асосий компонентлари-дунекараши, ирода, ахлокий хиссиет ва муносабатларнинг таркиб топиши ешидир.

Юкори синф укувчилари иродасининг усишига баркарор хаетий гояларнинг таркиб топиши гоят зур таъсир курсатади. Усмир уз хаетининг максади хакида эндигина уйлай бошлайди, юкори синф укувчиси эса бутун шароит талаби билан узининг хает йулини танлаш зарурияти олдида туради. У доимо уз кизикишлари, майл ва кобилиятига бахо беради, уз истеъдоди, касби хакида уйлайди, узини амалга синаб куради. Гоялар кундалик тарбиянинг исталган максадигина булмай, балки мухим воситаси хамдир. Гоялар ироданинг нима максадга каратилишини белгилайди. Шунинг учун педагог еш йигит еки кизининг кайси касбни танлашинигина эмас, балки шу танлашининг сабабини хам билиши мухимдир. Бири уз кобилияти ва ижодини жамият манфаати йулида хизмат килдириш имкониятини тугилгани учун инженерлик касбини танласа, иккинчи бири факат яхши иш хаки олиш учун танлайди.

Юкори синф укувчиларида узини англаш ва узига бахо бериш етарли даражада юксак усган. Бу хол уларнинг узини=узи тарбиялаш иши усмирларникига караганда конкретрок ва амалийрок булишига имкон беради. Бу процесс купинча конкрет ишлар-касб танлаш ва маълум бир укув юртига киришга еки маълум ишлаб чикариш корхонасида ишлашга тайергарлик куриш билан боглик булади.

Бирок 16-17 ешдаги угил ва кизларнинг хаммаси хам узини-узи тарбиялаш билан шугилланавермайди. Хамма нарса уларнинг гоя-максадига ва узини-узи тарбиялаш борасидаги илгариги тажирибасига богликдир. Агар одам келажаги хакида ташвишланмаса, унда узини-узи тарбиялашга хеч кандай эхтиеж пайдо булмайди.

Иродани тарбиялашда яхши ташкил этилиб, мунтазам утказиладиган ишлар укувчиларининг умумий усишига, узлаштиришларига, интизомли булишларига хамма вакт ижобий таъсир этади.

Савол ва топшириклар.

QИроданинг билиш пороцесси билан алокаси нимада конкрет ифодаланган.

Бу саволга жавоб бериш учун диккат, эсада олиб колиш, эсга тушириш, хаел турлари хакидаги шунингдек, тафаккур тугрисидаги материалларни эслаш еки кайта укиш керак.

WОдамнинг иродавий зур бериши ва иродавий сифатлари равшан намоен буладиган хатти-харакатлдар тугрисида мисоллар келтиринг.

EСаботлиликнинг кайсарликдан катъийликнинг енгилтакликдан ва дадилликнинг олатаъсирликдан фарки кандай. Нима учун укувчилар куп вакт бу тушунчаларни фарк килишмайди.

RУз синфингизда куйидаги саволлар буйича анкета тулдиринг. Qташаббус нима. Катъйиллик нима. Саботлилик нима. Чидамлилик нима. Дадиллик нима. Кайсарлик нима.

Сунгра тугри ва нотугри жавобларни шунингдек, :билмайман дейилган жавобни алохида-алохида синаб чикинг.

Шундан кейин , олинган маълумотлар асосида укувчилар билан уларнинг иродавий сифатларини такомиллаштириш юзасидан иш ташкил килинг. Орадан бирмунча вакт масалан, ярим йил утгандан кейин шу саволлар буйича кайтадан анкета тулдиринг. Олинган натижаларини олдинги жавобларга солиштиринг , шундан сунг укувчилардаги ютукларни кузатиш асосида

куйидаги саволга жавоб беринг. Хар бир укувчининг хатти-харакатида, юриш-туришида нималар узгарди. Жумладан, укувчиларнинг иродавий сифатлар хакидаги тасаввурлари кандай узгарди.

:

ФАОЛИЯТ ПСИХОЛОГИЯСИ..

РЕЖА.

1.Фаолият хакида тушунча ва унинг таркиби.

2. Мехнат, укиш ва уйин инсон фаолиятининг асосий турларидир

3/Укувчилар томонидан билимларни узлаштириш психологиясининг умумий масалалари.

R/Куникма ва малакаларнинг таркиб топиши.

T/Одатлар хамда уларнинг укувчиларга таълим ва тарбия бериш процессидаги роли.

Y/Таълим процессини янада такомиллаштириш масалалари ва йуллари.

.

Реал вокеликнинг ташки таъсиротга бериладиган хар кандай предметлари маълум даражада узгаради. Бирок,агар жонсиз табиат предметларидаги бу узгаришлар факат тащки таъсирлар билан белгиланса, хар кандай тирик организм эса мухит билан актив узаро муносабатда булади ва унинг узгаришлари ички жихатдан маълум даражада уюшган характерга эга булади. Хайвонларнинг мухит билан булган узаро таъсири модда алмащинуви тарикасида, уларнинг усиши, ривожланишида макондаги жой олмаштиришда, хулкнинг турли харакатларида, бошкача айтганда уларнинг фаолиятида содир булади.

Хайвон фаолияти унинг нерв системаси ва психикасининг ривожланишига караб бирмунча мураккаб булиши мумкин. Бирок у хар кандай холларда хам мослашувчанлик характерига эга булади.

Инсон фаолияти эса тамомила бошкача характердадир. У,хайвонлар фаолиятидан фарк килиб, аввало, ижтимоий характерга эга. Масалан, инсон шунчаки факат, бир узи балик овлаб, уй курибгина колмайди. У бу ишларни купинча бошка кишилар билан биргаликда, факат узи учун эмас, бощкалар учун хам килади, бошка кишилар сингари олдиндан тайерланган воситалардан фойдаланган холда, купинча яна бошка кишилар катори еки улар билан биргаликда бажаради.

Инсон фаолиятига хос булган хусусиятлар унинг онглилиги ва максадга йуналтирилганлигидир. У, яъни инсон фаолияти олдиндан белгиланган план буйича ташкил топади-да, давомли ва мунтазам равишда амалга оширилади.

Инсон фаолияти онгли булуб, маълум максадга каратилган булади,( уй куриш, хайвонларни устириш, укув юртини тамаомлаш ва хоказо) муайян мотивлар таъсирида еки мотивлар учун (масалан, егингарчиликдан узини панага олиш учун уй куриш, маълум билим ва хукукларга эга булиш учун институтини тамомлаш ва шунинг кабилар) амалга оширилади.

Хар кандай фаолият, таркибига кура, уз навбатида, яна айрим харакатларига булиниши мумкин булган бир катор харакатлардан ташкил топади. Умуман олганда, фаолиятнинг доимо онгли характерга эга эканлигини, унинг доимо нима биладир асосланишини хисобга олинса-да, харакатлар озми-купми автоматлашган булиши хам мумкин. Бунда шу нарсани назарда тутиш керакки, диккатнинг тулик марказлашувини талаб этувчи, фаолият муайян шароитларда, бирмунча мураккаб фаолият составига кирувчи бир катор харакатларга айланиб кетиши мумкин. Масалан, саводга ургатишда укиш процесси бола учун мустакил ва мураккаб фаолият булиб хисобланади. Кейинчалик боланинг усишига караб, укиш билимларини эгаллашга каратилган укув

фаолияти жараенига кирувчи маълум харакатлар тарикасида (олий даражада автоматлашган харакатлар таркисида) намоен булади.

Фаолият таркибининг будай узгариши инсон фаолияти тараккиетининг, шу билан бирга, унинг узининг (инсоннинг хам щахс сифатида) тараккий этиб боришини таъминловчи шартидир.Бу хол таълим процессида доимо эътиборга олишини, таълимнинг узи эса укувчи фаолиятида бир савиядан бошка, янада юкорирок савияга утиб боришига хар томонлама ердам бериши лозим.

Фаолият доимо организм билан мухитнинг узаро бир-бирига таъсир килиб туришининг ифодасидир. Бу фаолият айрим холларда ташки томондан ифодаланса (харакатларда, юриш-туришларда ва хоказоларда), бошка холларда эса у ички характерга эга булади. Биз тафаккур ва психика хулкининг бошка формалари хакида хам психик фаолият тугрисида гапиргандек, тула асос билан гапиришимиз мумкин. Гап шундаки, амалий, ташки жихатдан ифодаланган фаолият бизнинг онгимизда мунтазам равишда, албатта, уз аксини топади. Амалий фаолиятнинг реал процессларини кайта тикловчи психик процесслар ривожланиб борган сари тобора купрок мустакиллик касб этади. Планлаштириш функцияси, амалий фаолиятини олдиндан белгилаб куйиш фнкцияси,аста-секин худди мана шу психик процессларга утади.

Ташки амалий хамда ички, психик фаолиятининг канчалик узаро бирлиги туфайли уларнинг элементлари бир-бири билан чамбармас богланиб келадилар, хамиша бири иккинчисига утиб турадилар. Масалан, геометрик масалаларини ечар эканмиз, купинча биз бажариладиган амалларга мурожаат киламиз. Энг оддий асбоблар масалан белкурак билан ишлаетганимизда хам казолар билан фикран тенглаштирамиз. Ташки, амалий фаолият билан ички фаолият уртасидаги бирлик факат уларнинг тузилишидаги бирлик билан кифояланмайди,-дейди А.Н.Леонтьев. Улардан хар иккисининг хам кишини ташки дуне билан боглаши (турли усул билан булса-да) психик жихатдан мухимдир.

Кишиларнинг эхтиеж ва кизикишлари турли-туман булганидек, шу эхтиеж ва кизикишларни кондиришга каратилган фаолияти хам хилма-хил булади. Аммо бу хилма-хиллик учта асосий турга: мехнат,укиш ва уйинга булиниши мумкин.

М Е Х Н А Т - бу оддий ва маънавий бойликлар яратишга каратилган фаолият жараенидир. Ижтимоий мехнат процессида инсон хайвонлар оламидан ажралиб чикди. Мехнат инсониятининг яшаши ва ривожланиши, шунингдек, хар бир айрим шахснинг психик камол топиши учун мухим шартдир.

У К И Ш - мехнат фаолиятига тайергарликнинг узига хос боскичдир. Фаолият тури сифатида у узига хос ижтимоий бойлик хисобланган хосил килишга каратилгандир. Укишнинг мустакил фаолият тури булиб ажралиб чикиши инсо мехнатнинг тухтовсиз мураккаблашиб бориши фойдаланилиши учун чукур билим, куникма ва малакалар талаб килинадиган тобора мураккаблашиб бораетган ишлаб чикариш воситаларининг жорий килиниши натижасида содир булади.

Укиш хамиша ирода кучини, зур бериб ишлашни ва куч сарфлашни талаб килади. Шу нуктаи назардан укиш мехнат, шунда хам огир мехатдир. Укувчиларда мехнатсеварлик ва шахснинг бошка ижобий сифатларини тарбиялаш учун махсус мехнат тадбирларини, шу жумладан заводда, курилишда ва бошка жойларда ишлаш чораларини тавсия киладиган кишилар катта хато киладилар. Таълим политехника характерида булиши керак. Укувчи мактабда энг зарур булган муайян мехнат малакаларини эгаллаши лозим. Мехнатга муносабат ва мехнатда зарур буладиган ирода сифатларига келсак, улар аввало, укувчининг бутун укув фаолияти жараенида таркиб топиши мумкин ва шундай булиши хам керак. Укиш узининг энг якин келадакдаги вазифаларнинг узига хос хусусиятлари билан фарк киладиган мехнатдир.

Инсон хаетининг хар бир даври учун, унинг психик ривожланишини белгиловчи кандайдир етакчи фаолият тури хос булади. Мактабгача тарбия ешидаги болалар учун,3бобда курсатиб утилганидек, уйин ана шундай етакчи фаолият тури хисобланади. Факат ва уйин оркали бола вокеликни, шу жумладан, кишиларнинг ижтимоий муносабатларини, хулкини, хатти-харакатларини билиб олади. Мактабгача тарбия ешидаги бола уйин фаолиятида укишга ва мехнатга тайерланади. Макаренконинг фикрича катта ешдаги кишинингн хаетида фаолият, иш,

хизмат кандай азхамиятга эга. Бола уйинда кандай булса, катта булганда ишда хам куп жихатдан шундай булади.

Укув билимларини узлаштириш, биринчидан, урганилаетган материални тушуниш, иккинчидан, баъзи бир маълумотларни эсда колдириш ва, нихоят , учинчидан, уларни амалий жихатдан куллай билиш кобилиятидан ибопратдир.

Тушуниш хакида гапирар эканмиз, биз урганилаетган ходисаларнингн сабабий богланишларини, уларнинг узгариш ва ривожланиш конуниятларининг очиб берилишини онгмизда акс эттирилишини назарда тутамиз. Масалан, киши коронгиликка кироиш билан хеч нарсани курмаслигини еки курса хам жуда емон куришини, бир оз вакт утгандан кейингина яхши кура бошланиши факат шунчаки билиб куйиш мумкин. Бирок адаптация ходисаси, унинг механизмларини хам тушуниш мумкин. Шудагина коронгиликка кирганда кандай харакат килиш кераклигини олдиндан белгилаш, адаптация процессини тезлатиш учун баъзи воситаларини куллаш, шабкурлик деб аталадиган ходисани тушунтириш ва уни даволаш воситаларини топиш мумкин булади.

Муайян ходисани чукур тушуниш хар хил булиши мумкин. Лекин кандай булганда хам узлаштириладиган билимлар илмий жихатдан тугри ва укувчиларини осонлик билан билмасликдан тобора чукур билишликка олиб бормоги керак. Масалан, укитувчининг биринчи синф укувчиларига диалектика конунларининг илмий мохиятини тушунтиришга интилиши соддадиллик булган зарур булур эди. Аммо бу ешда бола камолотининг мана шу савиясида бола ирокига мос булган вокеликдаги ходисаларини (масалан, усимлик ер ва хаводаги маълум моддалардан озикланиб усишини, унинг усиши учун муайян харорат, намлик ва куеш нури зарурлигини) диалектик нуктаи назардан тушунтириш керак.

Хар кандай фаолият турлича усуллар билан амалга ошиши мумкин. Масалан, ечогдан, гиштлардан, шунингдек, тайер блоклардан куриш мумкин, курилишда эса факат уз кучидан фойдаланиш еки маълум даражада мураккаб техникани куллаш мумкин булади. Икки сонни бир-бирига купайтиришни дилда бажариш мумкин, буни когозга езиб еки арифмометр, лоргарифм, линейкаси ва нихоят махсус хисоблаш машиналари ердамида бажарса хам булади. Уз навбатида дилда купайтириш турлича амалга оширилиши мумкин. Масалан,22ни 9га купайтиришини хеч булмаганда икки усул билан бажариш мумкин:1) 22х10-22 ва 2) 9х20+9х2.

Муайян фаолият турини ташкил этувчи харакатларини бажариш усулларини иш-харакат усуллари деб аташ кабул килинган.

Иш-харакат усуллари ижтимоий практика процессида таркиб топадилар. Шу билан бирга турли сабабларга кура (шароит, вакт даражаси ва хаказо) ижтимоий практиканинг хилма-хил усуллари бир-бирини тулдирган еки урини босган холда бирга мавжуд буладилар. Агар бир киши, гарчан уз ихтисослиги доирасида булса хам барча иш-харакат усулларини эгаллаб олса жуда соз булган буларди. Бирок амалий жихатдан бундай булиши мумкин эмас, бир киши бунинг уддасидан чика олмайди. Аслида эса бунга зарурат хам йук. Лекин энг керакли, энг мухим иш-харакат усулларини эгаллаш керак ва зарур.

Муайян фаолиятини бажариш кобилиятини таъминловчи усуллари йигиндисини эгаллаш куникма деб аталади.

Куникма бирор усулни куллашгагина эмас, балки конкрет шароитларини хисобга олиб шу усуллардан бирини танлаб олишга хам имкон беради. Яъни куникма усулларига онгли равишда хам имкон беради. Яъни куникма усулларига онгли равишда ендошиш, уларга тушунишни, шунингдек, муайян билимларни эмас, муайян билимларни ендошиш, такозо килади. Агар укувчи формулалар ердамида масалалар еча олса, ижтимоий тараккиет конунларини билса, конкрет ижтимоий-тарихий ходисларини тушунтиришда улардан фойдалана билсагина, биз бу укувчи формулаларни билади, дейишимиз мумкин.

Куникма намуна асосида, яъни бошка кишиларнинг хатти-харакатларига таклид килиш йули билан хам хосил килиниши мумкин. Бундай йул билан куникма хосил булиши асосан илк болалик даврида содитр булади. Мактаб ешидаги болаларда ва катталарда куникма хосил килишнинг асосий йули махсус ургатишдир.

## 11- лекция. ТЕМПЕРАМЕНТ ВА ОЛИЙ НЕРВ ФАОЛИЯТИНИНГ ТИПЛАРИ.

Р Е Ж А:

1. Темперамент хакида тушунча ва темперамент асосий типларининг характеристикаси.
W. Олий нерв фаолияти типлари хакидаги таълимот темпераментнинг физиологик асосидир.
E. Укувчилар темпераментнинг хусусиятлари ва уларни таълим тарбия ишида хисобга олиш.

Шахснинг бир мунча баркарор психик хусусияти булмиш темпераментнинг ташки ифодасини аникрок тасаввур этиш мумкин булиши учун куйидаги мисолни курип чикади. Икки укувчи бир хил иш билан шугулланмоктадар. Математикадан контроль иш бажармокталар. Хатто юзаки караганда хам уларнинг хакидаги фарк кузга ташланип турипти. Улардан бири кимирламасдан утирипти. Унинг харакатлари салмокта. Юз мимикаси деярли узгармайди.

Темперамент кишининг юришида хам имо ишоралари да хам мимикасида хам тафаккур фаолиятининг хусусиятларида хам намоен булади. Темперамент кишининг бутун фаолиятига ва хукукига индувидуал тус беради. Темперамент нима Ў Унинг хусусиятлари кандайЎ Темперамент бу шахснинг психик процесслари содир булиши динамикасида умумий харакатшанлиги ва эмоционал кузголувчанлигида руебга чикадиган индувидуал хусусиятлардир. Бу хусусиятлар олий нерв фаолияти типи кузголиш ва тормозланиш процессларининг содир булиши ва узаро муносабати билан белгилангандир. Темпераментларни торт асосий типга ажратадилар: холерик, сангвиник, флегматик ва меланхолик.

Холерик темперамент . И.П.Павлов холерик темпераментли кишининг киефасини тарифлар экан бу «жанговор,жушхун,вергул, асон ва тез таъсирланадиган тип» деб езади. Холерик темпераментнинг намоен булиши куп жихатидан кишиларнинг кизикишларига шахснинг йуналишига боглик. Холерик темперамент жамоат манфаатлари билан яшайдиган кишиларнинг ташабусскорлигида куч гайротида намоен булади.

Сангвиник темперамент И.П.Павлов уни шундай деб характерлайди»сангвиник - кизиккон махсулдор арбобдир, лекин у куп ва кизикарли ишлар мавжуд булса гина, яъни доимий кизикиш ишлари мавжуд булса гина шундай пайтта пайдо булади. Агар бундай ишлар булмаса у нохуш ланч булиб колади». Сангвиник харакатчанг мазаннатлик тип. У янги шароитларга тез мослашади, кишилар билан тез тил топишип кетади, дилкаш сангвиникнинг хис туйгулари енгиллик билан пайдо булади ва узгаради, мимикаси бой, ХАРАКАтчанг,ифодали. У кувнок унда гам ва кайгули дамлар булса хам купинча кувнок юради. Аммо бу кайфиятлардан тез кутилади. Сангивиникта вахтли богланишлар тез ва осонлик билан хосил булади.

Флегматик темперамент. И.П.Павлов шундай деб езади:»Флегматик хаетнинг осийишта доимо бир хилдаги саботли ва тиришкок мехнаткашидир»- деб езади. Флегматикда шартли рефлекслар секин хосил буладию лекин баркарор булади. Бинобарин флегматикнинг хиссиетлари секин пайдо булсада баркарор ва давомли булади.

Меланхолик темперамент. Меланхоликнинг реакциялари купинча кузговчининг кучига тугри келмайди. Унда ташки тормозланиш айникса кучли . Шунинг учун меланхоликнинг диккатини бошка нарсага тортиш осон.

Хаетдаги норма шароитларда ва тугри тарбия натижасида меланхолик жиддий маъноли хаетий вокеаларга осонлик билан бардош бера оладиган кишилар буладилар.

Темпераментнинг физиологик асослари кандайЎ Бу масала узак вактдан бери кишиларни кизиктирип келган. Эрамизгача V-IV асрда яшаган грек олими Гиппократ темперамент киши

организмида кон боглам сарик яки каро утнинг кандай нисбатта орласишига боглик деб хисоблаган. Унинг назарияси рим врачлари хам кабул килдилар.

Павлов куплаб тадкикотларни материалларини чукур анализ килиш натижасида хайвонлар катти харакатидаги индивидуал хусусиятларнинг сабаби нерв процессларининг кузголиши ва тормозланиш хусусиятлари хамда уларнинг бир бирига кушилиши билан такозо килинадиган хулосага келди. Нерв системаси хилма хил хусусиятларнинг йигиндиси нерв системасининг узига хос типларини характерлап берди.

Q111. Кучли мувозанатсиз (тинип тинчимас) тип.

W22. Кучли мувозанатли харакатчанг тип.

E3. Кучли мувозанатли инерт, ташки куринишида анча вазмин жидий тип.

R4. Кучсиз тип.

Олий нерв фаолияти типи ва темперамент уртасидаги муносабатни куйидагича тасаввур этиш мумкин.

Тарбиявий ишларда темпераментларнинг никобланиши холларини хам итиборга олиш керак. Юкорида айтип утилганидек инсонда хаетий тажриба ва тарбиянинг таъсири жуда катта.

Кишининг хаети ва фаолияти давомида хосил килинган мувафаккат богланишларнинг системаси « темпераментни коплоб кетади».

Темперамент билан хисоблашмок лозим, у факат шахснинг характерини ташкил килувчи мухим хислатларнинг ривожланиши таъминлайдиган дастлабки шартлардан бири булишини назарда тутмок керак.

Савол ва топшириклар.

1.Темперамент айрим психик процессларнинг содир булишига кандай таъсир киладиЎ

2. Кузголиш ва тормозланишнинг кандай хусусиятлари кандай узаро муносабатда темперамент типларининг физиологик асосини ташкил киладиЎ

3. Темпераментнинг намоен булиши ги доир мисоллар келтирингЎ

4. Халк орасидаги «бу киши темпераментли» деган ибора тугрими ва уни кандай тушиниш керакЎ

ХАРАКТЕР.

Р е ж а :

1. Характер хакида тушунча.

W. Характернинг тузилиши.

3. Укувчилар характерининг таркиб топиши.

Киши хулкининг юкорида айтиб утилган ва бошка баъзи бир хусусиятларини ундаги характерини намоен булиши дер караш кабул килинган.»«Характер сузи - юнончадан таржима килинган хислат, белги, аломат, тамга деган маънони билдиради.»

Шундай килиб характер бу кишининг вокеаликка булган муносабатлари системасида хатти харакатлари ва юриш туришларида намоен буладиган энг мухим ва баркарор психик хусусиятлар йигиндисидир. Кишининг характерида алокадар булган хусусиятлари характер хислатлари деб аталади. Характер шахснинг хаети процессида таркиб топган интеллектуал эмоционал ва иродавий хусусиятлари йуналишининг йигиндисидан иборат. Кишининг характери куп хирралидир. Лекин характернинг айрим хисларининг бири биридан ажратиб олиб алокида урганиш айникса бу хислатларнинг бирини иккинчисига карама карши куйиш мумкин эмас, шунки улар узаро мустахкам богланган дир. Кишининг характерида одатта аввало шахс кулкининг хамма томонларида из колдирадига баъзи бир хилма хил тартибда бирга кушилиб келадиган умумий хислатлар ажралиб туради. Характернинг мукаммаллиги баркарорлиги катъийлиги бундай хислатлар каторига тегишлидир.

Характер шахс психик хусусиятларининг бирлигидан иборат. Яхлит махсулдир, лекин булган яхлит муайян компонентлардан звенолардан ташкил топган. Шахснинг йуналиши ихтиежлари мотивлар кизикишлари иштиехи идеаллари характерининг мазмунини ташкил этади.

Худди мана шулар кишининг борликка ижтимоий вокеа ва ходисаларга жамиятга, коллективга хамда бошка кишиларга шахс сифатида уз узига булган муносабатлари хусусиятларини белгилайди.

Муносабатлар англаб олиши даражасига караб кам англаган ва учукр англаб олинган уларнинг активлиги ва ижтимоий ахамиятига кура ижобий нейтраль хамда салбий булиши мумкин. Шахснинг дуне караши яъни жамиятга ва киши онгига хамда уларнинг ривожланишига булган карашлари системаси йуналишининг гоявий асосини ташкил килади.

Шахс характери хислатларидан яна бир томони унинг интеллектуал хусусиятлари. Кучли характер учун жуда мухим нарса максаднинг аниклигидир. Бирок максадни тушунмай туриб бу максадни уз интилишлари объектлари ичида ажратиб олмай туриб уз олдига аник бир максатни куйиш мумкин эмас.

Кобилият билан характернинг тугри келмаслиги холлари укувчилар орасида хам учрайди. Купинча укитувчилар тула асос билан .»кобилиятли укувчи укиши мумкин, аммо унда хунд уюшкоклик катъийлик етишмайди» деп гапирадилар.

Инсон характери ва хусусиятларининг яна бир томони унинг эхтиежлари кизикишлари дийди одатлари билан узвий боглик булган факат у киши учун типик хисобланган.

Айрим киши характеридаги типик хусусият бу бир мунча давомли вакт давомида унинг хулкини ифодалап беради, аммо баркарорлик характер хислатининг узгармаслигидан далолат бермайди.

Мактабгача кичик ештаги укувчи болалардаек киши характерининг дастлабки белгилари билан гина бошлайди. Усмирларнинг вокеаликка онгли равишда муносабатда булишининг ортип бориши билан бирга уларда укиш ва мехнатга онгли муносабатда булиш хам ортади. Усмирлар узларининг укув фаолиятида ижтимоий характердаги мотивлар, мактабнинг шаънини саклашга маълум даражада амал килади.

Характернинг бетаинлиги кайфиятнинг дамбадам нисбатан ва тез тосаттан узгариб туриши укувчи усмирлар учун характерли булиб бу эса маълум даражада жинсий жихатдан етилишининг натижасидир.

Куполлик курслик каби салбий характер хислатлари урта ештаги укувчиларнинг мухаррар хусусиятлари эмас. Болаларни тарбиялаш тажрибаси шуни курсатадики яхши уюшган дустона коллективларда, шу жумладан мехнат ва дам олиш режимини баркарорлаштиради.

Урта ештаги укувчи болаларда мустакил ташаббускорлик катъийлик сабот матанотлик узини тута билиш каби ирода хислатлари анча ривожланган булади. Кичик ешдаги укувчи болалар амалга ошириш учун ирода кучини талаб киладиган вазифаларни укувчилар ота оналар укувчилар олдига куяди.

Усмир ешта характернинг иродавий сифатларнинг анчагина усиши усмирларда баъзан ироданинг салбий хислатларидан хали булмайди. Усмирларда иродасизлик узини тута билиш,

интизомсизлик уюшган холда ишлай билмаслик кайсарлик кабиларнинг намоен булиши холлари хам тез тез учраб туради. Хает шароити ва хар томонлама фаолият таъсирида мамлакатимиз йигит ва кизларида характерлар жуда ижобий булиб колмокда.

Халоллик ва растгуйлик, дилкашлик, тугрилик, дустлик хисси юкори синф укувчилари характерининг яккол ифодаланган хислатидир. Куп холларда йигит ва кизниниг ифодаланган дустлк хисси усиб мухаббат хиссига айланади. Катта ештаги укувчиларда иродавий характер сифатларининг шаклланиш процесси давом этади. Улар усмирлардаги га караганда анча аник ва кучли булади. Худди шу вактда укувчи усмирларнинг катъийлиги ва ташабусскорлигида шошма шошарлик иктиетсизлик хамда уларни етарли равишда мотивлаштирип беролмаслик холлар учрайди.

Характерни шакллантиришнинг асосий ролларидан бири уз узини тарбиялашдир. Укувчининг буни англаб олиши ва уз олдига вазифа килиб куйиши келажакта уни мувофаккиятли хал этиш учун укитувчилар укувчиларни характер психологияси масалалари билан имкони борича туларок таништиришлари керак.

Одатта психологияга доир адабиетда таркиб топган ижобий характернинг асосини шахснинг аклокий иродавий сифатлари ташкил этилиши кайд этилган. «Иродаси кучли киши» ва характерли киши деган иборалар худди синоним сузлардек булиб колган. Кишининг характери индивидуал ва умумий хислатларнинг бирлигидан иборатдир.

Киши характерининг психологиси тугрисида гапирганда куйидагиларни фарк килиш керак. Айрим хислатларнинг типиклиги ва мазкур кишида характерининг намоен булиши бу бир мунча давомли вакт мобайнида унинг хулкини ифодалап беради. Аммо баркарорлик хислатининг узгармаслигидан далолат бермайди. Масалан бола усмирлик ешига кадам куйиши билан унда хаетий янги муносабатлар пайдо булади ва шубхасиз унинг характерида из колдиради. Янги типик хусусиятларнининг шаклланиши таъсир килади.

Бизнинг жамиятда характернинг салбий хислатига эга булган кишилар хам бор. Шахсиятпарастлик елгон гапириш, иккиламчилик, куполлик, дангасалик ва хокозалар бундай кишилар учун хосдир.

## ХИССИЕТ

Р е ж а :

1. Хиссиетнинг умумий характеристикаси ва физиологик асослари.
W. Хиссиетнинг ифодаланиши ва унинг тарбиявий таъсири.
E. Хиссиетнинг фаолиятдаги роли, кай тарзда утиши ва кандай максадларга каратилишига кура классификацияси.
R. Усмирлар ва юкори синф укувчиларида хиссиетнинг усиши.

Одам нимани билиб олса, нимани килса, ким билан муносабатда булса, хар доим шуларга бошкача карайди.

Хиссиет одамнинг теварак атрофдаги вокеликларга, билиб олган нарсаларига ва фаолиятига муносабатидан пайдо буладиган туйгулари демакдир.

Одам кечинмалари тугрисида гап юритилар экан, « хиссиет « ва эмоция деган икки термин кулланилади. Кенг маънода каралса, булар синонимлардир. Тор маънода олинса, эмоция дейилганда, органик эхтиежларнинг кондирилиши еки кондирилмаслиги билан боглик булган нарса ва ходисаларнинг айрим сифатлари ва хусусиятлари таъсирида тугилувчи кечинмалар англашилади. Масалан корин очиши еки чанкаш пайтида пайдо буладиган нохушлик, кориннинг туйиши еки чанкокнинг босилиши сабабли тугиладиган хузур килиш холати эмоция хисобланади.
Хиссиетлар эмоциядан фаркланиб, торрок маънода улар одамнинг ижтимоий хает шароитларида, бошка одамлар билан булган муносабатида пайдо булувчи ва усиб борувчи олий, маънавий эхтиежларни кондириш билан богликдир. Улар анча баркарор булиб, тез тез узгарувчан шароитга унча боглик булмайди.

Хайвонлар учун факат эмоция, одам учун эса эмоция ва хиссиет хосдир,лекин хиссиет одамнинг хаети ва фаолиятида етакчи урин эгаллайди.

Хиссиетнинг теварак атрофдаги вокеликни акс эттириш билан органик богликлиги хакида гап юритилар экан, теварак атрофдаги нарса ва ходисаларнинг хаммаси хам одамда хиссиет тугдира бермаслигини таъкидлаш керак, хиссиетнинг юзага келиши пайдо булган эхтиежни кондиришга ердам еки халакит берадиган бирор нарса еки ходисага боглик булади.

Хайвонлар дунесида хам эмоциянинг юзага келиши эхтиежни кондириш билан боглик булади, масалан, эркак хайвон ракибини куриб газабланади, уяси хавф остида колган парранда безовталанади. Лекин табийий инстинктлар (узини саклаш,тугишни давом эттириш, озикланиш, оринтировка килиш) доирасининг торлиги сабабли ихтиежнинг чекланганлиги оркасида уларнинг эмоцияси ва тегишли холда чекланган ва камбагал булади.

Одам тараккиетининг илв даврларидаек унинг эхтиежлари ошиб, хилма ихл була бошлаган. Мехнатнинг пайдо булиши билан мехнат куролларига эхтиеж тугилади, хар хил овкатлар, кийим кечакларга, уйга эхтиеж ортиб боради. Бу эса, уз навбатида, куп хил коникиш ва коникмаслик хисларини уйготади. Одам хиссиетининг усишига хатти харакати жихатидан узига ухшаганлар билан муносабатда булишда пайдо булган эхтиеж айникса катта таъсир этади. Айнан ижтимоий тараккиет жараенида одамлар хиссиети ижтимоий булиб колади.

Эхтиежни кондириш зарурияти одамларни курашга, харакат килишга мажбур этган. Уз навбатида фаолият, эхтиежлар уни харакатга солувчи мотив булиб колгандагина пайдо булган. Шунинг учун бизнинг фаолиятимиз хамма вакт эмоионал тус олган булади. Хиссиет булмаса, актив фаолият хам булмайди.

Хиссиет билан фаолият уртасидаги узаро алока куриб чикилаетганда, улар орасидаги икки томонлама богликликни эътиборга олиш керак. Бир томондан, хиссиет одамни фаолиятга ундаса, иккинчи томондан, фаолятнинг узи хиссиет тугдиради, бу хол баъзан хиснинг узгаришига куп холларда эса эхтиежларнинг узгаришига олиб келади.

Бош мия пустининиг, пусти ости, вегетатив нерв системасининг мураккаб ишлаши хиссиетнинг физиологик асосини ташкил этади.

Одам эхтиежларни шу жумладан, унинг узини саклаш эхтиежини кондириши билан боглик булган нарса ва ходисаларнинг онгда акс этиши бош мия пустида кучли кузголиш учоги вужудга келтирилади. Кузголиш бош миянинг пустлок остки кисмларига хам утади. Ички органларнинг ишини бошкарувчи нерв марказлари бош миянинг пустлок ости кисмига жойлашган булиб, улар оркали утувчи нерв импульслари нафас олишни, кон айланишини, кон составини ва бошкаларни узгартиради. Шунинг учун хам:»Қўрққанимдан юрагим чиқиб кетди», «Хурсандлигимдан узимга сиғмайман» каби иборалар гапда тез тез ишлатиб турилади.

Айрим хиссиетлар, одатда, вегетатив нерв системасининг фаолятини активлаштиради, бунда нерв системасининг энергияси ортиб кетади, одам узини тетик хис килади, халк айтгандек, тогни кулатадиган даражада гайратга тулиши мумкин. Бошка айрим хис туйгулар купгина холларда одамнинг гайратини, куч кувватини пасайтиради. Шунга мувофик холда ички органларнинг иши хам узгаради. Хаетда баъзан «унинг кули ишга бормай колди» дейилади. Бу билан кандайдир кечинма баъсирида одамнинг кучи кетиши, вужудининг бушашаи таъкидланади.

Агар хиссиет, эмоциянинг тугилишига ташки мухит таъсирлари сабаб булса, кузголиш аввал бош мия пустида пайдо булиб, сунгра мия пусти остига ейилади. Агар хиссиет уйготувчи сабаб организмнинг узида булса, кузголиш аввал бош мия пусти остида пайдо булиб секин аста мия пустига ейилади.

Лекин хар икки холда хам одамда бош мия катта ярим шарларининг пусти, хусусан, иккинчи сигнал системаси нерв богланишлари, асосий, бошкарувчилик ролини уйнайди. Масалан, сабаб ташкаридан келди деб фараз килайлик. Ишда кунгилсиз вокеа юз берган, бинобарин, одамнинг тажанглиги тутади. Аммо у узини ушлай бошлайди, ирода билан узини тинчитади, бирдан келган хис туйгу таъсирида узгарган нафас олиши, юрагининг уриши аввалги меъерга кайтади. Хатти харакатлари тинчланиб, равон була бошлайди.

Катта ешдаги одамда ва чаколокда хиссиетнинг утиш хусусиятларини юкорида киеслаб келтиришдан шу нарса куринадики, дастлаб эмоциялар шартсиз рефлектор холида булади, сунгра эса, катта ешдаги одамда хает ва тарбия процессида эмоциялар шартли рефлекс характерида булиб

колади. Буни К.Т.Платоновнинг «Кизикарли психология» китобида келтирилган мисоллар хэм тасдиклаши мумкин. Бошка хиссетлар каби, музикадан эмоционал таъсирланиш шартсиз ва шартли рефлекс тарзиди булиши мумкин эканлиги аникланган. Шартсиз рефлекс тарзидаги таъсирланиш акустика конунлари ва эшитиш аппаратининг физиологияси билан богликдир. Шартли рефлекс тарзидаги таъсирланиш бутунлай тарбияга боглик булади. Хар бир одамнинг масалан севган куйи булади, бу куй муайян екимли хотиралар билан богликдир.